

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВЧИЛИК ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Панжиев Ориф Эркинович

Гулистон давлат университети ўқитувчиси

Эшжанов Абилда

Жанубий Қозоғистон университети т.ф.д. доцент

Weaving, sewing wastes in the world have been investigated by producing wastes in manufacture of light industry in Uzbekistan and recommendations were worked out by usug wastes widely.

Ҳозирги пайтда ресурсларни тежаш мавзуси дунёда энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Ип газлама ишлаб чиқаришда моддий ҳаражатларнинг умумий ҳажмини хом ашё сарфи ташкил қилади, шу туфайли, тўқимачилик саноатида хом ашёдан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш масалаларига катта эътибор қаратиляпти.

Иккиламчи хом ашёни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим вазибалардан бири ҳисобланади.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши – бу бартараф этиб бўлмайдиган жараён бўлиб, у ишлаб чиқаришда инсоннинг иш фаолиятида беихтиёр содир бўлади.

Табиий хом ашёни қайта ишлаш технологик жараёнларида катта миқдорда тола, ип ва мато қийқимларининг чиқиндилари ҳосил бўлади. Натижада барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида бўлганидек, шубҳасиз истеъмол жараёнида ҳам ишлатилишидан кейин чиқиндилар тоифасига тўлиқ ўтади. Бу ишлаб чиқариш ва маиший истеъмол чиқиндиларидир. Бундай чиқиндилар атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Халқ истеъмол буюмлари ва материаллари ишлаб чиқариш учун истеъмол ва ишлаб чиқариш тўқимачилик чиқиндиларини максимал даражада самарали қайта ишлашни таъминлаш илмий – техник тараққиётнинг иккиламчи ресурсларни ишлатиш соҳасидаги устувор вазибаси ҳисобланади. Бу чиқиндиларнинг атроф муҳитга ва инсон соғлигига салбий таъсири оқибатларининг олдини олибгина қолмай, балки табиий заҳираларни ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежашни таъминлайди.

Сўнги пайтларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашда тўқимачилик саноатининг чиқиндилари ва иккиламчи хом ашё ресурслари (лахтак ва қийқимлар) миқдори ортиб бормоқда. Бу жуда катта заҳира бўлиб, ундан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатидаги мавжуд хом ашёдан оқилона фойдаланишга комплекс ёндашиш ва барча ишлаб чиқаришларда чиқиндисиз

технологияни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида бунга алоҳида эътибор берилади.

2012 – йилда дунёдаги тўқимачилик чиқиндилари ҳажми тахминан 8,5 млн. тоннани ташкил этган ёки толали материалларнинг умумий ҳажмидан 16 % га яқин (шу жумладан 4,75 млн. тонна иккиламчи хом ашё; 0,65 млн. тонна кимёвий толалар чиқиндилари ва 3,5 млн. тонна кейинги қайта ишлаш соҳалари чиқиндиларига тўғри келади), маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши билан уларнинг ҳажми ҳам мунтазам ошиб бормоқда [1].

Ўзбекистондаги тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари чиқиндиларининг турларини тадқиқ этиш ва чиқиндилардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади, тадқиқот натижаларини корхоналарда амалда кузатиш ва ишлаб чиқаришнинг барча ўтимларини таҳлил этиш орқали амалга оширилади. Ҳосил бўлаётган чиқиндиларнинг умумий ҳажми

бўйича таҳлилий тадқиқотлар ўтказилди.

Тўқимачилик чиқиндиларига ишлаб чиқаришнинг тола, ип, йигирилган ип, тўқимачилик материалларининг қийқим ва лахтаклари ҳамда ишлатилган маиший тўқимачилик маҳсулотлари кўринишидаги истеъмол чиқиндилари киради. Истеъмол чиқиндиларига шунингдек, техник ишлаб чиқариш мақсадидаги эскирган махсус кийимлар, дастурхонлар, ёпинчиқлар, чойшаблар, кўрпа тўшак, парда ва тўрлар ва бошқа истеъмол чиқиндилари киради.

Умумий кўринишда барча тўқимачилик чиқиндилари сифати ва ишлатилиши имкониятларига қараб тўртта гуруҳга бўлинади [2].

Биринчи гуруҳга сифати жиҳатидан бошқа чиқиндилардан ажралиб турадиган ишлаб чиқариш толали чиқиндилар ҳисобланиб, одатда улар ҳосил бўладиган корхона худудидан ташқарига чиқмайди ва махсус ускуналарни қўлламаган ҳолда асосий ёки қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қайта ишланади.

Иккинчи гуруҳ – тўқимачилик ишлаб чиқариш чиқиндилари, корхонанинг ўзида қайта ишланмайди ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлайдиган махсус корхоналарга жўнатилади.

Учинчи гуруҳ – кимёвий, пахта ва аралаш толалардан иборат истеъмол ва ишлаб чиқариш тўқимачилик чиқиндилари киради. Ҳозирги пайтда чимдиб титиш ускуналарининг йўқлиги сабабли уларни толаларга ажратиш ва белгиланган мақсаддаги маҳсулотларга ишлатиб бўлмайди, балки кўпинча артувчи материал сифатида ишлатилади ёки ташлаб юборилади.

Тўртинчи гуруҳ – супуриб олинган чиқиндилар ва чангли камерадан олинган момиқ каби тўқимачилик маҳсулотларини олиш учун деярли ярамайдиган паст навли ишлаб чиқариш чиқиндилари.

Ҳозирги пайтда бу гуруҳга кирувчи чиқиндилар кўпинча ёндириш ёки ташлаб юбориш орқали йўқотилади. Истеъмол тўқимачилик чиқиндилари амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга мувофиқ 90 дан ортиқ навларга ажратилади. Тикувчилик саноатида тўқимачилик чиқиндиларидан ташқари материалларни тайёрлаш ва тикувчилик буюмлари қисмларини бичиш жараёнида чиқиндилар ҳосил бўлади, улар оғир мато лахтаклари ва қийқимларидан иборат бўлиб, иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун иккиламчи хом ашё сифатида ишлатилади. Ҳозирда қийқимни бичишда лекалолар ўртасида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг ўртача қиймати 12-15 % ни ташкил этади [3]. Мато чиқиндилари бебаҳо қўшимча хом ашё ҳисобланади. Тикувчилик фабрикалари пойабзал қисмларини бичиш ва ўйинчоқлар тайёрлашдаги чиқиндиларни топшириш, уларнинг чиқиндилардан ишлаб чиқарилган тайёр буюмларни олиш ҳуқуқи билан рағбатлантирилар эди. Булар Европа Иттифоқи давлатларига таалуқли бўлиб, у ерда 1990–2000 йиллардаёқ нафақат давлат даражасида, балки давлатлараро даражада ҳам атроф муҳитни муҳофаза этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун устувор йуналишлардан бири ҳисобланган. Европа Иттифоқининг олтинчи ҳаракат дастурига асосан Европа Иттифоқи мамлакатларида 2010 йилга келиб чиқиндилар миқдорини 2000 йилга нисбатан 20 % га, 2020 йилда эса 50 % га камайтириш вазифаси қўйилган. Чет элда чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлатишни мақсадли субсидиялаш, имтиёзли кредитлаш ва солиққа солиш, транспорт тарифлари бўйича имтиёзлар бериш, амортизацияга ажратилган маблағларни тезкор ҳисобдан чиқариш ва бошқа механизмларни қўллаш орқали иқтисодий рағбатлантириш усуллари кенг тарқалган. Европа Иттифоқи мамлакатларининг давлат аппарати структурасида бу учун махсус ваколат органлар мавжуд [3].

Россияда иккиламчи хом ашёдан фойдаланишнинг баъзи усуллари ишлаб чиқилган ва тадқиқ этилган. Масалан, жунни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларидан уйларни иситувчи материал сифатида нотўқима матолар ишлаб чиқилади. Иккиламчи хом ашёни қайта ишлашнинг кейинги усули – бу толали массани ҳосил қилиши усулидир. Ундан ташқари жун саноати чиқиндиларидан оқсилли қўшимча озуқа олишнинг патентланган усули маълум. Бироқ буларнинг ҳаммаси ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва ихтироларидир [4].

Чиқиндилар муаммоси бўйича кескин вазият Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Мазкур чиқиндиларни қайта ишлаш махсус ускуналарни яратиш зарурати юзасидан етарли даражада мураккаб ва кўп маблағ талаб этади.

Шундай қилиб, тикувчилик корхоналари фақатгина битта Тошкент шаҳри худудининг ўзида бугунги кунда кўпгина тикувчилик фабрикалари корхонаси расмий қайд этилган. Норасмий ишлаётганлари ҳам бор. Ўзбекистон енгил

саноат тармоқларида тикувчиларнинг салмоғи 80% дан ошади. Тикувчилик тармоғида 30 мингдан ортиқ фуқаро банд. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти корхоналари ўз маҳсулотларини дунёнинг 55 мамлакатига экспорт қилмоқда. Республиканинг асосий савдо ҳамкорлари Европа, Россия, Қозоғистон ва Хитой бўлиб, уларга оборот (айланма) ҳажмининг тегишли ҳолда 35 %, 27 %, 17 % ва 14 % тўғри келади. Шунингдек, МДХ давлатлари, АҚШ ва Канада давлатларига етказиб берилмоқда. Ҳозирда республика тикувчилик секторининг 90 % га яқин маҳсулоти экспорт қилинади [5].

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва тикувчилик тармоқларида кўп муаммолар мавжуд. Тикувчилик ва трикотаж цехларининг чиқиндилари ўзининг кўриниши бўйича учинчи гуруҳга тегишли ва кимёвий, пахта ҳамда аралаш толалардан иборат бўлиб, чимдиб титиш машиналарининг йўқлиги сабабли уларни толаларга ажратиш (титилиши) ва тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўллаб бўлмади, балки кўпинча артувчи материал сифатида ишлатилади ёки ёндириш ёхуд ташлаб юбориш орқали йўқотилади.

Ҳозирги пайтда қийқимларнинг бир килограмми 300 сўмдан 800 сўмгача сотиляпти.

Тикувчилик цехлари чиқиндилари аппарат ип ишлаб чиқаришда ва юмшоқ мебел тайёрлашда тўлдирувчи материал сифатида ишлатилади.

Ип йиғириш соҳасини олсак, бу чиқиндиларга титиш, тозалаш тугунаги ва момиғи, тараш момиғи, карда ва қайта тараш тарандилари, чигалланган иплар (путинка), қийқим ва лахтаклар киради. Ип йиғириш чиқиндилари ҳам аппарат ипи, тиббиёт момиғи ва хўжалик пахтаси ишлаб чиқариш учун ишлатилади ва икки турга бўлинади.

- Жун толасини йиғириш чиқиндилари;
- Пахта толасини йиғириш чиқиндилари;

Чиқиндиларнинг 1кг 600-700 сўмдан сотилади. Камвол мато фабрикалари чиқиндилари биринчи гуруҳга киради, яъни чиқиндилар корхонадан чиқмайди. Жун толалари ўзининг бир – бирига ёпишиб қолиш хусусияти сабабли одеял ва ватин таёрлаш учун ишлатилади. Тўқимачилик тармоғи корхоналарида катта миқдорда чиқиндилар ҳосил бўлади. Шунинг учун кўпгина корхоналар олдида чиқиндиларни қайта ишлаш муаммоси турибди.

Чиқиндиларни ўрганиш бўйича юқорида қайд этилган таҳлил натижалари ва ўтказилган тадқиқотлар асосида шуни таъкидлаш керакки, Республикада катта миқдордаги тикувчилик қийқимлари, лахтаклар ва чигаллашган иплар (путинка) оқилона ишлатилмаяпти. Шунингдек, қуйидагиларни қайта ишлаб, улардан унумли фойдаланиш ЕС корхоналари муаммосини ечишини топган ҳисобланади.

- тўқимачилик ва тикувчилик саноати чиқиндилари катта миқдорда тўпланмоқда;

- давлат томонидан, шунингдек тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқиндиларга ҳозирги вақтда алоҳида эътибор кучайтирилмоқда;

- тўқимачилик ва тикувчилик саноати чиқиндилари шу асосида тегишли мутасаддилар томонидан назорат этилиши вазифаси юкланмоқда.

Шуни қайд этиш керакки,

1. Корхоналарни амалда кузатиш ва ишлаб чиқаришнинг барча ўтимларини таҳлил этиш асосида шу нарса аниқландики, чиқиндилардан илмий асосда фойдаланмаслик, уларни ташлаб юбориш каби ҳолатлар атроф муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

2. Тикувчилик чиқиндиларини қайта ишлаш эса тегишлича катта моддий ҳаражатларни талаб этиб. Ишлаб чиқаришнинг барча имкониятларини эътиборга олиб, қуйидагиларни таклиф эталади:

3. тўқимачилик ва тикувчилик чиқиндиларини тегишли гуруҳларга ажратиш;

4. ҳар бир тикувчилик цехида чиқиндилардан маиший маҳсулотлар тайёрлаш мумкин бўлган кичик цехлар очиш;

5. бичиш цехи чиқиндиларини матрасларни тўлдириш ва юмшоқ ўйинчоқ ишлаб - чиқариш учун ишлатиш.

Тўқимачилик чиқиндиларидан фойдаланиш муаммосини ҳал этишда ҳозирги пайтда иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш бўйича махсус корхоналарда асосан иккинчи гуруҳдаги чиқиндиларни қайта ишлаш учун ускуналар мавжуд. Шунинг учун бу чиқиндиларни йиғиш ва тайёрлашга асосий эътиборни қаратиш керак. Барча ривожланган мамлакатлар чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасини мутасаддилар томонидан бошқаришини кучайтириш зарурияти тўғрисида хулосага келдилар ва чиқиндиларни бошқаришдаги масъулият миллий даражада бўлиши тақоза этилади;

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашни рағбатлантириш ва шу мақсадда қулай шароитларни яратиш учун қуйидаги чораларни кўриш керак:

- ёрдамчи материал сифатида чиқиндиларни ишлатиш давлат томонидан бошқариладиган махсус ажратилган объект ҳисобланиши ҳақида қонунчилик ҳужжатини илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқиш;

- чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашни ташкил этиш тизимини қайта тиклаш;

- Ўзбекистон тўқимачилик саноатидаги мавжуд хом ашёлардан оқилона фойдаланишга комплекс ёндашиш ва барча ишлаб чиқаришларда чиқиндисиз технологияни жорий этиш;

- йигириш корхоналарида тикувчилик қийқимларидан сифатли тикланган тола олиш ва улардан ип йигириш технологиясини амалга ошириш.

АДАБИЁТЛАР:

Rey J. Economiser en fibres courtes grace an recyclage des dechets. – L'industrie textile, 1984, № 1142, p.217-224.

Березненко Н.П., Власенко В.И., Ковтун С. Технический текстиль. №12, 2005.
[http: \www. recuclerc.ru](http://www.recuclerc.ru)

Парыгина М.М., Девяткин В. Технический текстиль. №24, 2010

Isayeva, R. M., & Turdibayevich, Q. R. (2024). AYOLLAR SPORT USLUBIDAGI KIYIMINI TIKISH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. Научный Фокус, 1(11), 24-29.

Mardiyevna, I. R. (2022). TECHNOLOGICAL PROCESS OF MANUFACTURING SEWING PRODUCTS FROM SEMI-FINISHED PRODUCTS.

Kabilova, D. S., Sherkulova, N. R., & Bazarbaeva, G. G. (2020). Product sales are an indicator of optimal production planning. In Studies of Young Scientists (pp. 15-17).

Madjidova, S. G., Rustambekovna, S. N., Ravshanovna, I. R., & Mardiyevna, I. R. (2023). Determination of Consumer Characteristics of Women's Clothing Made of Natural Silk. Journal of Advanced Zoology, 44.

Sherkulova Nargiza Rustambekovna. (PhD), & Isayeva Rano Mardiyevna. (2022). Technological process of manufacturing sewing products from semi-finished products. European Scholar Journal, 3(11), 25-26.

Formation and management of the assortment of sewing enterprises Authors: G.T. Shamshimetova, G.G. Bazarbayeva, N.R. Sherkulova DOI: 5.48047/IJIEMR/V11/ISSUE 11/13.

Islamova, R. R., Sherkulova, N. R., & Bazarbayeva, G. G. (2022). Formation of a structural model of planning production processes. Eurasian Journal of Academic Research, 2(11), 1136-1139

Investigation of the process of modification of silk quality indicators. N.R. Sherkulova, R.M. Davlatov University: Technical Sciences, 79-85.

Sharipova, N., Sherqulova, N., Isayeva, R., Islamova, R., & Abdukadirova, M. (2024). RESEARCH OF THE PROCESS OF ENRICHMENT OF NATURAL SILK FIBER AND NITROINE FIBERS MATERIALS. Modern Science and Research, 3(2).

Yangiboyev, I., Kasimov, A., Shodiyev, D., & Panjiyev, O. (2024). IMPACT OF FIBER WASTE ON THE ECOLOGY. Modern Science and Research, 3(2).

Sharipova, N., Qaldibayev, R., & Jumabayeva, N. (2024). GENERAL INFORMATION ABOUT FIBERS USED IN THE PRODUCTION OF GARMENTS AND THEIR CLASSIFICATION. Modern Science and Research, 3(1), 1212-1216.

Yangiboyev, I., & Qaldibayev, R. (2024). 5LP LINTER SAW CYLINDER. *Modern Science and Research*, 3(1), 1217-1221.

Кабилова, Д. С., Шеркулова, Н. Р., & Базарбаева, Г. Г. (2020). Реализация продукции-показатель оптимального планирования производства. In *Исследования молодых ученых* (pp. 15-17).

Sharipova, N. (2023). IMPROVING THE METHODOLOGY OF DEVELOPING DESIGN SKILLS IN STUDENTS. *Modern Science and Research*, 2(12), 578-583.

Панжиев, О. Э., Исаева, Р. М., & Исмаилова, Л. (2023). ПОВЕРХНОСТНАЯ МОДИФИКАЦИЯ ВОЛОКНА КАК АСПЕКТ КОМФОРТА СВОЙСТВА ТКАНИ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 2(3), 43-48.

Mavlonovna, S. N. (2023). TALABALARDA DIZAYNERLIK MAHORATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 6(12), 380-386.

Irmatova, M., Nabieva, I., & Sharipova, N. (2023). A study of the process of printing patterns on mixed fabric. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 401, p. 03059). EDP Sciences.

Madjidova, S. G., Rustambekovna, S. N., Ravshanovna, I. R., & Mardievna, I. R. (2023). Determination of Consumer Characteristics of Women's Clothing Made of Natural Silk. *Journal of Advanced Zoology*, 44.

Islamova, R. (2024). TALABA YOSHLARNI IJODIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O 'ZIGA XOS USULLAR. Interpretation and researches.

Ravshanovna, I. R. (2023). TALABALARDA IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING USULLARI, TUZILMASI VA MAZMUNI.

Ravshanovna, I. R. (2023). TALABALARDA IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING USULLARI, TUZILMASI VA MAZMUNI.

Irmatova, M. B., Nabiyeva, I. A., & Sharipova, N. M. (2023). Dyeing of a Blended Fabric with a Continuous Method with Active and Dispersive Dye.

Sharipova, N. M., & Jumaboyeva, N. M. (2024). MEHNAT SHAROITINI BAHOALSH VA MEHNAT SHAROITI BO 'YICHA ISH O 'RINLARINI ATTESTASIYA QILISH METODIKASINI O 'RGANISH. *Models and methods in modern science*, 3(3), 23-26.

Developing Design Skills in Students. *American Journal of Integrated STEM Education*, 1(1), 36-42.

Ikromjon, Y. (2024). Drying Process of Seeded Cotton. *American Journal of Integrated STEM Education*, 1(1), 29-35.

Mardiyevna, I. R. (2022). TECHNOLOGICAL PROCESS OF MANUFACTURING SEWING PRODUCTS FROM SEMI-FINISHED PRODUCTS.

Ravshanovna, I. R. (2023). TALABALARDA IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PEDAGOGIK YONDASHUVLAR. IJODKOR O'QITUVCHI, 3(34), 121-125.

Madjidova, S. G., Rustambekovna, S. N., Ravshanovna, I. R., & Mardievna, I. R. (2023). Determination of Consumer Characteristics of Women's Clothing Made of Natural Silk. Journal of Advanced Zoology, 44.

Ravshanovna, I. R., & Sharofovna, E. M. (2024). Methods of Developing and Analyzing Methods of Graphic Design Programs in Creative Activity. American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157), 2(3), 84-89.

Islamova, R. (2024). TALABA YOSHLARNI IJODIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O 'ZIGA XOS USULLAR. Interpretation and researches.

Ravshanovna, I. R. (2023). TALABALARDA IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING USULLARI, TUZILMASI VA MAZMUNI. Ravshanovna, I. R. (2023). TALABALARDA IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING USULLARI, TUZILMASI VA MAZMUNI.

Mavlonovna, S. N., & Muhammadovna, D. N. (2024). IMPROVING FLOWER PRINTING TECHNOLOGY IN THE PROCESS OF FINISHING TEXTILE MATERIALS. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI, 3(3), 20-25.